БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 44 (4143)
22 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— УЛУҒ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Беш йиллик план-муддатидан илгари

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Бригадамиз меҳнат аҳли мана тўрт йилдирки, завод бригадалариаро мусобақада пешқадамлик қилиб келяпти. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси кунлик топшириқни 130—140 процент адо этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Биринчи беш йиллик план қабул қилинган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракатига қўшилган бригадамиз аъзолари «Беш йиллик қаҳрамонлари — бизнинг сафимизда» шиори остида меҳнат қилишга аҳд қилганлардилар. Ана шу муносабат билан заводимизнинг қалдирғоч ишчиларидан бири, Ленин ордени кавалери, кекса ишчи Ўртай Қўшонбоевни бригадамиз сафига фахрий аъзо сифатида қабул қилдик. Бригадамиз бу ташаббусини Тошкент область комсомол комитети қизғин маъқуллади.

Ҳозирда бу ташаббуснинг издошлари анчагина, улар сафига янги-янги бригадалар қўшиляпти. Бундай шиор остида мусобақалашиш катта самара бермоқда. Барча бригадалар ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаряптилар. Жумладан, Владимир Шумицкий, Василий Штан, Виктор Виткин, Татьяна Дейник, бошлиқ бригадалар юқори кўрсаткичларга эришишяпти.

Бригадамиз илғор меҳнат коллективларининг доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббусига заводимизда биринчилар қатори қўшилди. Бунинг учун бизда резервлар бор. Шундай қилиб, бу шонли санагача ўнинчи беш йиллик программасини адо этамиз.

Шахсан мен ўзим «Ўнлар ташаббуси»га қўшилиб, беш йилликни 3,5 йилда бажаришга бел боғлаган эдим. Ўз вақтида сўзимнинг устидан чиқдим. Менкабилар заводимизда оз эмас. Фақат биргина бизнинг бригадамизда тўрт киши беш йилликни тўрт йилда адо этди. Қолган аъзоларимиз бу маррани доҳий В. И. Ленинниинг 110 йиллиги юбилейи арафасида қучишади.

Шуни айтиш керакки, йилдан-йилга машинасозларимиз зиммасига юксак вазифалар қўйиляпти. Бу биз ёшларни ўз навбатида юксак унум билан ишлашимизни, маҳоратларимизни, билимимизни тинмай оширишимизни талаб этади. Бригадамиз аъзолари шундай иш тутишяпти. Кўплар техникум ва кечки мактабларда ўқишмоқда, устозлардан маҳорат сирларини ўрганишяпти. Бу албатта келгусида муваффақиятларимизни таъминлайдиган омиллардир.

Ҳ. ҲОШИМОВ,
«Ташсельмаш» завод 3-цех комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, ВЛКСМ XVIII съезди делегати, Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

• *Тошкент—мамлакатга*

САМАРАЛИ ЛОЙИҲА

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари колхоз ва совхозларга мўлжалланган техника воситаларини кўплаб тайёрлаш учун ишлаб чиқариш қувватларини оширишяпти. Мамлакат машинасозларининг жанговор программаси бўлиб қолган КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларидан ҳам худди шу нарса кўзда тутилган. Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари шу программага амал қилиб, соҳа заводларига техник ва инженерлик ёрдами кўрсатишяпти.

Жумладан, тошкентликлар Днепропетровскдаги лавлаги йиғиш машиналари заводи учун пўлат қуюв цехининг қайта жиҳозлаш лойиҳасини тайёрлашяпти. Бу лойиҳа бўйича цехдаги барча участкалардаги ускуналар янгиланади. Натижада қуюв ишларидаги ойлик меҳнат жараёнларини механизациялаштириш имконни туғилади.

Бундан ташқари янги лойиҳа бўйича кўзда тутилган ишлар амалга оширилгач, кўплаб қанд лавлаги йиғиш техникаси ишлаб чиқариш имконни туғилади. Цехдаги 61 ишчини бошқа ишга ўтказиш мумкин бўлади. Йилига 1126 минг сўм иқтисодий самарага эришилади.

«Технолог» мутахассислари янги лойиҳа устида ишлаш жараёнида Ватанимиз ишлаб чиқаришидаги энг яхши ютуқларни, шунингдек, бирлашмада яратилган инженерлик хулосаларини жорий этишга ҳаракат қилишяпти.

ТАКЛИФ ҚОҒОЗЛАРИ ТАРҚАТИЛДИ

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Усмон Юсупов номли 132-мактабга жойлашган 12-сайлов участкасида бугунги кунда 80 нафар педагог-агитаторлар сайловга тайёргарлик ишларини олиб боришяпти. Икки агитаторнинг бири Тошкент политехника институти педагогидир. Агитпунктга мактаб директори Шукур Сатторов мудирлик қиляпти. Ана шу сиёсий ташкилотчиларнинг куч-ғайратлари билан участка агитпунктида бир талай тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сайлов участкасида биринчи бор овоз берувчи ёш йигит-қизларга алоҳида эътибор берилган. Уларга Советларга депутатликка сайлаш ва сайланиш қоидалари, СССР Конституциясида гражданларнинг эркинликлари ва бурчлари каби мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштирилди. Бу лекция ва суҳбатларни институт ҳамда мактабнинг пешқадам ўқитувчилари олиб боришди.

— Сайлов участкасидан 2900 дан ортиқ сайловчилар овоз беришади, — дейди сайлов участкаси раиси, ТошПИ ўқитувчиси Мажид Полвонов. — Агитаторларимиз сайловчилар рўйхатини белгиланган муддатда кўзга кўринарли жойга осиб қўйишди. Улар сайлов таклиф қоғозлари тарқатиш билан бирга, сайловчиларнинг рўйхатини яна бир бор синчиклаб ўрганишмоқда. Сайловга ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўриб қўйилди.

Шу йил 24 февраль — якшанба куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар куни 12-сайлов участкасидан шаҳар Советига номзоди кўрсатилган кўнгалантерея фабрикаси ишчиси Маъмура Тиллаева, марказий телеграф оператори Шоҳиста Каримова, Октябрь район Советига номзодлар: ТошПИ ўқитувчиси И. А. Ливерко, Октябрь район партия комитети умумий ишлар бўлими мудири В. В. Пиряхина, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри артисти Г. М. Жамилова, «Главташкентстрой», «Ташкинстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси слесарлар бригадаси бошлиғи А. Болтабоевлар учун уч мингга яқин сайловчи якдиллик билан овоз берадилар.

«МЕН ОВОЗ БЕРАМАН»

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлар давом этаётган шу кунларда Чилонзор районидаги 4-маданият уйи ҳаваскорлари ҳам ўзларининг ранг-баранг номерлари билан учрашувларга байрам кайфиятини бахш этмоқдалар.

Мазкур коллектив тайёрлаб намойиш этаётган «Мен овоз бераман» деб номланган адабий музикали композиция томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Композиция шўх қуй, жозибали рақс, дилрабо қўшиқ ва шеърлари билан учрашувларга кўтаринки руҳ бағишламоқда. Айниқса Сотиволди Обидов, Қаҳрамон Исабоев, Зарифа Темирова, Бахтиёр Балиевларнинг чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Коллектив айни пайтда сайловлар кунига қизғин тайёргарлик олиб бормоқда. Шу куни маданият ходимлари 54, 56, 57, 58-сайлов участкаларида маданий хизмат кўрсатадилар. Тамара Отажонова, Қаҳрамон Исабоев бошчилигида коллектив «Ҳамма ерда тантана бугун», «Ўзбекистонда байрам», «Санъат гунчаларининг туҳфаси» деб номланган концерт программаларини тайёрладилар. Мазкур программаларни сайлов участкаларига бириктирилган бадиий ҳаваскорлар намойиш этишади.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ФАЙЗЛИ КЕЧА

Қуйбишев районидаги Луначарский номли маданият уйи ташкил этган сайловчилар клуби ёш сайловчилар учун қизиқарли маданий тадбир уюштиради. Клубнинг байрамдардагидек безатилган залига ёшлар, ишлаб чиқариш илғорлари, халқ депутатлари район Совети депутатлигига кандидатлар, Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти вакиллари йиғилишди.

Билим юрти вакили В. К. Хрупунов «Совет турмуш тарзи» мавзуида лекция ўқиди. Шундан кейин, район Совети ижроия комитетининг вакиллари ёшларни сайловларда биринчи марта қатнашаётганликлари билан табриклашди. Маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари эса уларни дилрабо куй ва қўшиқлари билан мамнун этишди.

Файзли кеча охирида Совет турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлардан парчалар намойиш этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида

КУН ТАРТИБИДА — НАВБАТДАГИ СЪЕЗД МАСАЛАСИ

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис муҳокамасига ҳам ижодий, ҳам ташкилий масалалар қўйилган эди. Бу гал ҳам анчадан буён давом этиб келаётган яхши анъанага кўра, кун тартибининг биринчи масаласи сифатида СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиш масаласи турар эди. Ёш прозаиклар, шоирлар, адабиётшунослар, танқидчилар бирин-кетин сўзга чиқишиб, ўз ижодлари ҳақида сўзлаб бердилар. Шу куни республика ёзувчилар ташкилоти сафи яна олти нафар янги аъзолар ҳисобига кенгайди. Таржимон С. Раҳимов, адабиётшунослардан Б. Қосимов ва У. Шокиров, уйғур прозаиги Я. Тоиров, шоирлардан Б. Исроилов ва А. Қорабоевлар союзга қабул қилиндилар.

Ҳозирги пайтда бепоён мамлакатимизда Бутуниттифоқ ёзувчилар съездига қизғин тараддуд кетмоқда. Унга республикамиз қалам аҳллари ҳам тайёргарлик кўришмоқда. Ўзбекистон ёзувчиларининг VII съездидан сўнг ўтган тўрт йил мобайнида улар бажарган ишлар ҳақида навбатдаги VIII съездда кўпгина сўзлар бўлади. Секретариатда ана шу VIII съездни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон ёзувчиларининг съездини шу йилнинг октябрь ойида ўтказиш белгиланди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин ёзувчилар ташкилотининг съездга тайёргарлиги тўғрисидаги вазифалари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Секретариат мажлисида Ҳ. Олимжон номидаги адабиётшунослар уйи, поликлиникаси ва даволаш стационари қурилиши қандай кетаётганлиги тўғрисида атрофлича сўз борди.

Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарини ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам қараб чиқилди.

Ана шу ва бошқа масалаларни муҳокама этишда Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин, М. Қўшжонов, Т. Тўла, Н. Нарзуллаев, И. Султонов, П. Қодиров иштирок этишди.

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

УНИВЕРСАМГА МАРҲАМАТ

РЕПОРТАЖ



Қурувчилар томонидан яқиндагина бунёд этилган кўркам магазин пештоқидаги катта-катта ҳарфлар билан ёзилган «Универсам» сўзи Чилонзорнинг 19 ва 20-кварталларида истиқомат қилувчиларнинг дераза-ларидан ҳам шундайгина кўриниб турибди. Бу микрорайонларнинг аҳолиси яқиндагина ҳовли тўйлари ўтказишган эдилар. Энди эса қурувчилар уларга яна бир совға тайёрлашди. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлозлар арафасида улар учун шаҳримизнинг энг йирик савдо корхоналаридан бири ўз эшикларини очди.

Янги магазиннинг биринчи харидорлари билан бирга универсамга ташриф буюрдик.

Мана тўрларга чиройли қилиб ўралган ва қадоқланган картошка, пиёзлар маҳсус контейнерларга жойлаб қўйилган. Унга ёнма-ён пештахталарда эса консерваланган дала неъматлари турибди. Минерал сувлар, турли хил шарбатли ичимликлар, нон-булка маҳсулотлари ҳам кўзга кўринарли жойларда тахланиб турибди. Бу ерда шунингдек, рўзғорбоп жиҳозлар, болалар ўйинчоқлари бўлими ҳам мавжуд.

Универсам ичидаги залдан ойна билан тўсилган кенг хонада эса ун чуналик катта бўлмаган цех жойлашган. Колбасалар ва балиқ маҳсулотлари, сариёғ шу ерда бир йўла маҳсулот баҳосини ҳам кўрсатадиган электрон тарозиларда тортилиб, полиэтиленларга қадоқлаб қўйилади. Магазинда бир йўла 20 кишига хизмат кўрсатадиган кафетерий ҳам ишлаб турибди. Бу ерда бутербродлар, кондитерлик маҳсулотлари, кофе ва какао сотилмоқда. Шу билан бирга «Универсам» харидорлар учун зарур бўлган ёрдамчи хизмат усуллари билан ҳам таъминланади. Бу ҳақда гапириб беришни биз республика «Узгастроном» идораси бошқарувчиси С. Собировдан илтимос қилдик.

— Бу янги универсам бизнинг «Гастроном» системамиздаги энг йирик магазиндир, — дейди Содиқ Собирович, — унинг фақатгина савдо залининг ўзи 1200 квадрат метрни ташкил этади. Бу йирик савдо корхонасида харидорларга юксак сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун Венгрия халқ республикасидан келтирилган энг замонавий технология жиҳозлари монтаж қилинган.

Универсам биносини «Узторгстрой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бунёдкорлари қуриб битказишди. Савдо жиҳозларини «Ўзхлодоторгмонт а ж» мутахассислари, универсамни безаш ишларини эса «Узторгреклама» комбинатининг шунингдек, «Узгастроном» идорасининг қурилиш группалари коллективлари амалга оширдилар.

А. ҲАТАМОВ.
М. АБДУЛЛАЕВ,

СУРАТЛАРДА: Чилонзор массивининг 19-Д кварталидаги янги универсамда.
В. Коврени фотолари.





ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Эртага Тошкент устидан шимоли-ғарбий совуқ оқим ўтиши кутилади. Атмосфера босими бироз ортиб, 725 миллиметрни ташкил этади. Ҳаво булутланиб ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 0—2, кундузи 4—6 даражагача иссиқ бўлади.

* * *

Об-ҳавонинг бундай ўзгариши бронх йўллари яллиғланган (бронхит) беморларга салбий таъсир қилиши мумкин. Бундай беморлар профилактика даво чораларини кўришлари керак.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ю. Гагарин номли Тўқимачилар маданият саройида Тошкент ва пойтахт области енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш илғорларининг слёти бўлиб ўтди.

Слёт қатнашчилари сифат ва самарадорлик беш йиллигида қўлга киритаётган ютуқлари, навбатдаги вазифалари ҳақида кенг фикр алмашдилар. Енгил саноат корхоналарининг коллективлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилишган. Жумладан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 22 апрелгача тўрт ярим йиллик планини бажариш мажбуриятини олган.

●

«Восток» кинотеатрида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан катта кино кеча ўтказилди.

Кеча қатнашчилари — томошабинлар гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳикояларини тинглашди. Совет жангчиларининг жасоратлари ҳақида уруш ветеранлари, кўплаб орден ва медалларнинг кавалерлари Д. В. Ковтун ва Н. Н. Ураганов сўзлаб беришди. Улар шон-шуҳрат эстафетасини «Зарница» Бутуниттифоқ пионер ҳарбий-спорт ўйинларининг Ленин районидаги ғолиби 94-мактаб ўқувчиларига топширишди.

Кеча охирида Улуғ Ватан урушига бағишланган бадиий фильм намойиш этилди.

Бугун

Тошкент булка-кондитер комбинатида «Москва» батонлари учун ҳамир тайёрловчи янги қурилма ишга туширилди.

Янги қурилма тўла автоматлаштирилган бўлиб, ун, шакар, ёғ-мой, сутни аралаштириб ҳамир қоради ва уни зангламайдиган пўлатдан ясалган тиндирувчи конусга узатиб беради. Кейин оширилган ҳамирга механизм воситасида керакли шакл берилиб, транспорттер орқали иккита печга юборилади. Ана шу янгилик корхонада Ўрта Осиёда биринчи бўлиб жорий этилди.

Корхона мутахассислари қўл меҳнатини камайтириш, оғир иш жараёнларини механизациялашга катта эътибор беришяпти. Бу ерда тармоқда биринчи бўлиб, булочка пиширилувчи автомат линия ва Уфа типидаги макарон қуритгич жорий этилган. Ҳозирги кунда комбинатда макарон «соломкалари» ишлаб чиқарилувчи ўта самарадор линияни монтаж қилишга тайёргарлик бошлаб юборилди.

●

Шаҳримиздаги экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг В. К. Иванов бошчилигидаги бригадаси Абу Али ибн Синонинг Тошкентда ўрнатиладиган ҳайкалини гипсдан тайёрлашга киришди.

Буюк олимнинг етти метрлик ҳайкали апрель ойида бронзадан қуйилади. Ана шу улкан ҳайкал Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги филиали рўпарасидаги майдонга ўрнатилади.

Комбинат коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига ҳам муносиб тайёргарлик кўряпти. Живзах областининг Зафаробод посёлкаси ва Наманган областининг Чуст районидаги Энгельс номли колхоз учун доҳий ҳайкаллари тайёрлаб берилди. Ҳозир бир группа ҳайкалтарошлар Урганч шаҳрида ишлаяпти. Улар Хоразмда Совет ҳокимиятини ўрнатиш курашчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорликни илгаригидан анча баландроқ қилиб қайта тиклашяпти.

●

Ленин районидаги Улуғбек номли маданият уйи коллективи 34-шаҳар ҳунар-техника билим юртида «Сенга, шонли армия» мавзуида кеча ўтказади.

Ўқувчилар ҳузурига Улуғ Ватан уруши ветеранлари, «Электроаппарат» заводининг меҳнат илғорлари меҳмон бўлиб келишади. Улар ёшларга Совет Армиясининг шон-шуҳратга тўла йўли ҳақида сўзлаб беришади.

Кеча охирида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг қатнашчилари иштирокида ватанпарварликни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янграйди.

Эртага

Билимлар уйида ҳаваскорлик фильмлари «Ҳосил—79» кинофестивали бошланади.

Касаба союзлари Тошкент область Совети, Билимлар уйи ва Тошкент киноҳаваскорлар клуби ташкил этган ана шу фестивалда саноат корхоналари ва қишлоқ клублари қошидаги ҳаваскорлик студияларининг фильмлари намойиш этилади. Жумладан, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Спектр—77» студияси ҳаваскорлари «Оқ олтин» фильмини кўрсатишади. Тошкент тўқимачилик комбинати вакиллари «Пахта—79» фильми билан қатнашадилар. Пойтахт областидаги «Оққўрғон» совхозининг «Пахтакор» киностудияси «Ташсельмаш» заводи киноҳаваскорлари билан ҳамкорликда «Ҳосил учун кураш» фильмини яратишган. Улар фестивалда ана шу фильм билан иштирок этишади.

Фестивални ўтказишдан мақсад КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида қишлоқ хўжалиги илғорлари қўлга киритаётган ютуқларни оммалаштиришдан иборатдир.

Лейк-Плэсид ОҚ ОЛИМПИАДАДАН ДАРАКЛАР

Чанғи спорти. 4х5 километр масофага чанғида эстафетали югуриш бўйича ўтказиладиган беллашувларда мамлакатимиз спортчилари ғалаба қозонишади деб таҳмин қилинган эди. Улар ГДР ва норвегиялик қизлар билан беллашишда яхши натижа кўрсатишади деб умид қилинган эди. Аслида эса Германия Демократик Республикаси чанғичиларининг маҳорати юксак эканлиги маълум бўлди. Иккинчи босқичда ГДР командаси тезликни ошириб, пешқадамликни қўлга олди. Бу команда марраға ҳаммадан тез етиб келди. Шундай қилиб ГДРнинг чанғичи қизлари Лейк-Плэсидда ўтказилган XIII Олимпиада ўйинларининг чемпиони бўлди. СССР терма командаси эса иккинчи ўринни эгаллади. Мамлакатимиз командаси составида Н. Балдичева, Н. Рочева, Г. Кулакова ва Р. Сметанина қатнашди. Бронза медали эса норвегиялик чанғичи қизларга топширилди.

* * *

Коньки. АҚШ командаси Оқ Олимпиадада тўртта олтин медални қўлга киритди. Шуниси қизиқарлики, бу медалларнинг ҳаммасини конькичи Э. Хайден олди. Кеча у 1500 метр масофага ўтказилган пойгада Олимпиада рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Шундай қилиб бу спортчи тўрт хил масофага ўтказилган беллашувларда ғолиб чиқди. Олимпиада тарихида ҳеч бир спортчига тўрт марта фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш насиб этмаган эди. Мамлакатимиз вакили аввалги, Олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори Ю. Кондаков бешинчи ўринни эгаллади.

* * *

Тоғ чанғи спорти. Аёллар ўртасида тоғдан катта тезликда сирғаниб тушиш бўйича ўтказилган беллашувлар ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитида ўтди. Бу нарса жуда кўп кутилмаган ҳодисаларга олиб келди. Жумладан, машҳур спортчи М. Т. Надиг маррага яқин қолганида йиқилиб тушди. Бу сафарги беллашувларда Лихтенштейн командасининг аъзоси Х. Венцель ғолиб чиқди.

* * *

Фигурали учиш. ГДР спортчиси А. Пётч ёшлар ўртасида фигурали учиш бўйича ўтказилган дастлабки кунги мусобақада энг яхши натижа кўрсатди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга мактуби ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетига, халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетига табриги эълон қилинган. «Область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ва барча меҳнаткашларга якунловчи йилнинг ва умуман беш йилликнинг топшириқларини бажаришдаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилайман», дейилади жумладан табрикда.

● Москва Фрунзе сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Николаевич Косигин билан учрашуви ҳақида ҳисобот босилган.

• *Коммунист ўйлари*

ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида коллективимиз 1980 йилни зарбдорчасига, ленинчасига ишлаш йилига айлантириш учун қатъий бел боғлаган. Корхонамизда ой сайин зарбдорлар сафи кенгайиб боряпти. Агар ўтган йилларга назар ташласак 1978 йилга нисбатан 1979 йилда зарбдорлар сони 11 процент кўпайди. Айрим цехларда эса 30 процентгача кўпайди. «Коммунистик меҳнат зарбдори» фахрли номини олиш учун кураш ёшлар ўртасида ҳам тобора кучайяпти. Бирлашмамизда 230 цех, группа ва бригадалар коммунистик меҳнат коллективи фахрли номини олган.

Партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада оширишга, бунинг учун, айниқса меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ижрони текширишни пухта йўлга қўйиш вазифасини қўйди. Биз олдимиздаги бу масъулиятли вазифани адо этиш учун астойдил меҳнат қиляпмиз.

Ҳамкасбларим токарь Б. Иброҳимов, слесарлар А. Куприк, Р. Боқиев, М. Фозилов ва бошқалар юксак самарадорликка эришмоқдалар. Улар тайёрлаётган ҳар бир деталь аъло сифати билан ажралиб туради. Уюшқоқлик ва интизом, ҳамкасбларга ғамхўрлик ва эътибор муваффақиятларнинг омили бўлянти.

Мен ўзим кўп йиллардан буён бирлашмада меҳнат қилиб келяпман. Мураккаб дастгоҳларни бошқараман. Ўз билим ва малакамни ошириб боряпман. Бизда деталларни гоят аниқлик билан тайёрлаш талаб этилади. Бунга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Билим ва тажриба омухта бўлгандагина бу мураккаб вазифанинг уддасидан чиқиш мумкин.

Ўз тажрибаларимни шогирдларимга мунтазам ўргатиб келяпман. Ҳозир улар ҳам рақамли программа билан бошқариладиган станокда ишлашмоқда.

Бизнинг 1-цехимизда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун мусобақа авж олган. Бу шонли санагача икки беш йиллик топшириғини бажариш учун кураша-ётганлар сафи ҳам кенгайяпти. Умуман, корхонамиз коллективи асосий буюмлар тайёрлаш ўнинчи беш йиллик топшириғини шонли Улуғ Октябрининг 63 йиллиги кунигача муддатидан илгари бажаришга қатъий аҳд қилди. Бирлашмамиз коммунистлари ва ишчиларининг сўзи билан иши бир.

Н. ЗАКОВОРОТНИЙ,

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунистик меҳнат зарбдори.

МЕНИНГ КАСБИМ ҚУРУВЧИ

УСТОЗ МЕҲРИ

Қашқадарё областида ўнинчи синфни битириб, Тошкент политехника институти граждан-саноат қурилиши факультети кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кундузи Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести 7-қурилиш бошқармасининг Эркин Мирзондоев бригадасига биринчи разряд бўйича ишга қабул қилиндим. Биринчи марта бу коллективда иш бошлаган куним кечагидек ёдимда.

Эркин ака деганлари ҳар бир ишни пухта бажаришга ўргатган, жуда талабчан киши экан. Бригадамиз халқ хўжалиги институти янги корпусининг пойдевори қурилишида ишлар экан. Ўша йили қиш анча эрта тушган эди. Биз эрталаб кийим алмаштириладиган хонадан чиққанимизда ер тақиллаб, сғзингизни очишингиз билан ҳовур кўтарилар эди. Темирни, бетонни яланг қўл билан ушласангиз чиппа ёпишади. Котлованга тушмасимизданоқ кирза этикдардан совуқ ўтиб, оёғим увуша бошлади. Бизнинг олдимизда қулоқчининг кулоғини ҳам тушурмаган, юзлари қип-қизил Эркин ака кетиб борарди. Унга гўё совуқ таъсир этмаётгандек эди. Мен котлованга тушиб, бригадир айтган майдончани текислашга киришдим. Ер музлаб, метин бўлиб кетган экан. Ломни ерга урсам ерга ботмай атрофга тупроқ сачради. Ҳеч қанча ишламай кафтларим қаварди, ачиша бошлади. Мен жуда кичиналигимдан далада ишлаганман, анча-мунча оғир ишларни писанд қилмасдим. Аммо бу сафар жуда чарчадим.

Бир соат ўтар-ўтмас, белимни кўтаролмай қолдим. Ишни ташлаб кетворгим келди. Аслида биз қурилиш факультетида ўқисак-да, айрим ҳамкурсларим ўзларини енгилроқ ишларга уришган, баъзилар идораларда, бинокорлик материаллари базаларида ишлашарди. Менга ҳам шундай ишни тавсия этишганида бош чайқаб, ишни оддий қурувчиликдан бошлайман, деган эдим. Мана, қурилишда биринчи иш куним, даёқ хато қилган эканман, енгилроқ ишга киришим керак эканда, деган хаёлларга бордим.

Атрофга қарадим. Деярли ҳамма ҳеч нарса бўлмагандек бериб ишлашяпти. Шамол билан ёғаётган қорни ҳам писанд қилишмайди. Бригадирку, энг катта ломни олиб, ерни бетон ёқизишга мослаб текислапти. Баъзилар жуссалари нисбатан кичик бўлса-да, анча чайир экан. Мен уларнинг ғайрат-шижоатини кўриб, ноҳуш фикрларга келганимдан уялиб кетдим.

Шу куни бир илож қилиб тушликкача ишладим. Дам олиш соатида қадоқ бўлиб кетган қўлларимни уқалаб ўтирган эдим, бригадиримиз кўриб қолди. Кафтимдаги қонталаш бўлиб кетган шишларни кўриб, у аллақандай мой берди. Қўлимни у билан яхшилаб ишқаладим. Эркин ака вақтинча сал енгилроқ ишга қўйди.

Ташқаридан қараганда ишдан бошқа нарсани билмайдиган, сал тўпори кўринадиган Эркин аканинг кўл остидагиларга нисбатан меҳрибонлиги қалбимда илиқ таассурот қолдирди. Меҳрибон ва талабчан устозга нисбатан кўнглимда катта ҳурмат уйғонди. Мен бу бригадада Эркин акага ўхшаган бинокорлардан қурувчилик касбинигина эмас, ўзгалар ташвишини ўз ташвиши деб билишни, бошқаларга меҳрибонликни ҳам ўргандим. Кейинчалик Пардозлаш трестига ўтиб мастер, мана ҳозир прораб бўлиб ишлаб юрган вақтларимда ҳам кўпинча Эркин аканинг ҳар бир ишни сифатли бажариш, касбга меҳр-муҳаббат билан ёндошиш лозимлиги тўғрисидаги сўзларини эслайман. Қийин вақтларда хаёлан у кишидан маслаҳат сўрайман. Агарда Эркин ака менинг ўрнимда бўлганида бу ишни қандай бажарган бўларди, дея ўйлайман.

Эркин ака бошлиқ комплекс бригада ҳозир ҳам 7-қурилиш бошқармасининг машъал коллективларидан бири ҳисобланади.

Шу кунларда Эркин ака бошлиқ бригада ТошМИ клиникасининг янги корпусида зарбдор суръатда ишлашмоқда. Мен прораблик қилаётган участка қурувчилари «Халқлар дўстлиги» майдонида қад кўтарган партия тарихи институти ва партия архиви биносида пардоз ишларини тугаллашмоқда.

Салкам ўн йил ичида пойтахт ҳуснига кўрк қўшиб турган жуда кўп объектлар қурилишида меҳнат қилдим. Кўпинча шаҳарда юрганимда ўзим қурган биноларни кўрганимда, унда ҳамшаҳарларимиз шод-хурам истиқомат қилаётганликларининг гувоҳи бўлганимда, қалбим фахр ва ғурурга тўлади. Қурувчи касбини танлаб хато қилмаганлигимни, бунёдкорликка нисбатан кўнглимда меҳр уйғотган Эркин акага ўхшаган устозларимни эҳтиром билан эслайман.

Ш. УЗОҚОВ,

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг прораби.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҳамкор

Сайлов олди кундалиги

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

24 февраль Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар куни ҳар сафар умумхалқ шодиёнасига, партия билан халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланиб кетади. Бу умумхалқ байрамини «Ташстроймате-риали» ишлаб чиқариш бирлашмасининг клубига жойлашган 40-сайлов участкаси коллективи ҳам пухта тараддуд кўрган ҳолда кутиб оляпти. Участка агитаторлари бу муҳим кампанияга тайёргарлик кўришда сайловчилар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган суҳбатларга, «Бодомзор» маҳалласида истиқомат қилишади. — дейди агитпункт мудири, бирлашма касаба союз комитети раиси Иқром Одилов. — Сайлов куни барча сайловчилар якдиллик билан овоз беришлари учун пухта тараддуд кўрилишида Ш. Тешабоев, О. Буримова, Т. Маҳкамов, Ф. Аҳмадуллина, И. Шибаева, К. Абдурахмонова каби 55 кишидан иборат ишчан агитаторларнинг муносиб хизматлари бор.

Мазкур сайлов участкасининг барча сайловчилари ўзларининг депутатликка кўрсатган муносиб номзодлари — Ўзбекистон ССР Олий Советига — республика композиторлар Союзи правлениесининг раиси Э. Солиҳов, шаҳар Советига — Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари Б. А. Мамонтов, Киров район Советига — Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти лаборанти С. Йўлдошева, ишчи З. Аҳмедова, 11-«Висотстрой» трести 76-қурилиш бошқармаси бўёқчиси Л. Ефимова. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчиси В. Моисеева, «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси ишчиси Н. Бересневалар учун якдиллик билан қувона-қувона овоз берадилар.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
агитатор.

▲ ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Республикамиз мелиораторлари экин экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўришяпти. Сувнинг исроф бўлишини камайтириш, уни тежамкорлик билан сарфлашга қаратилган қатор комплекс тадбирлар белгиланди ва амалга оширилянти. Ҳозирги кунда Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ва Фарғона водийсида каналларни бетонлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилянти. Экин экиш мавсумигача ана шу жойларда 200 километрдан ортиқ каналлар бетонлаштирилади.

Шу билан бир пайтда республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ихтисослаштирилган бўлинмалари сув билан кам таъминланган хўжаликларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида қудуқлар пармалашни бошлаб юборишди. Пармаловчилар камида 250 та қудуқни ишга туширишади. Бундан 220 таси икки томонлама ҳаракатда бўлувчи қудуқ бўлиб, далаларга сув бериш билан бирга ўз атрофларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди.

Шўрланган тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг яна бир йўли коллектор-дренаж тармоқлари барпо этишдир. Шу кунларда мелиораторлар бу соҳада ҳам кўп ишлар қилишяпти ва февраль охирига 3 минг гектар эскитдан суғорилаётган ерлар учун коллектор-дренаж тармоқлари қуришади. Биринчи квартал охирига, 10 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати ана шу билан яхшиланади. Шунингдек, биринчи квартал охирига яна 10 минг гектар майдоннинг капитал планировкаси ўтказилади.

Ҳозирги пайтда қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳам қизғин давом этяпти. Шу йилнинг ўзида 12 минг гектар янги суғориладиган ерларга экин экилади.

Л. ГУРО,
Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходими.



Шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз суратда шу корхонанинг 4-цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Комил Толиповни кўриб турибсиз.

И. Шоиногомов фотоси.

• *Илм масканларида*

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Пойтахтимиздаги 179-ўрта мактабда қизиқарли учрашувлар, адабий конференциялар ва кечалар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Мактабда ўқув ишлари тарбиявий ишлар билан боғлаб олиб борилади. Рус тили, адабиёт, инсон ва қонун, атеизм, физика-математика, ёш мичуринчилар, ўлкашунослик, меҳнат қўллар, ёш автомобилчилар тўгаракларн билан бир қаторда «Бинафша» ансамбли, спорт тўгараги ишлаб турибди. 400 га яқин ўқувчи бу тўгаракларга жалб қилинган.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари ва ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказилган Ҳамза ва К. Яшин ижодига бағишланган адабий конференция, «Ёш гвардия» театри артистлари билан учрашув, «Рус тили—она тили», «Қалбимни сенга бағишлайман, Ватан!» каби суҳбатлар ўқувчилар хотирасида яхши сақланиб қолди.

Шу кунларда мактабда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кутубхонада ишлаб турган агитпунктда В. И. Ленин асарлари, Л. И. Брежнев асарлари бўйича китоблар виставкаси, доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи стенд бор.

Мактаб биносининг иккинчи қавати доҳий В. И. Ленни фаолиятини акс эттиришга бағишланган. «Ленининг ёшлиги», «Ульяновлар оиласи», «Ленининг революцион фаолияти», «Ленин ғояларк—амалда», «Ленин болаларни севарди» ҳамда «Ленин ва Шарқ» деб номланган альбомлар ўқувчилар эътиборини тортади.

Шу йил апрель ойида В. И. Ленининг ҳаётини ўрганиш борасида ўқувчилар ўн кунлиги эълон қилинган. Октябрят эрталиги, пионер отрядлари сборлари, комсомол йиғилишларида Октябрь тенгдошлари ва меҳнат ветеранлари меҳмон бўладилар. Альбом, деворнй газета ва стендлар конкурси, «Ўзбек поэзиясида Ленин образи» каби суҳбатлар ўтказилади. 19 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб шанбалик ўтказилади.

Ишончимиз комилки, педагогик коллектив ва ўқувчилар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ўқишда ва ишда муносиб кутиб оладилар.

Р. НЕЪМАТИЛЛАЕВ.

• *В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан*

ҚИММАТЛИ МЕРОС

А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик тавалludи муносабати билан белгилаётган тадбирлари ҳам бой ва ранг-баранг бўляпти. Бинобарин кўзланаётган масалалар бўйича кутубхонанинг илмий-методика бўлими Ленин юбилейи тематикасига оид қатор тадбирларни илгари сурган ўз программасини изчиллик билан амалга ошираётир.

Бўлимда Ленин темасига оид методик қўлланмалар рус ва ўзбек тилларида тайёрланяпти. «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлашда кутубхона ишларига ёрдам бериш» — инструктив методик хати яқинда ишлаб тугатилди. Бу қўлланма айни пайтда ўзбек тилига таржима қилиняпти. Ушбу методик қўлланма кутубхоналарнинг В. И. Ленин асарларини ҳамда унинг ҳаёти ва фаолиятига оид адабиётларни пропаганда қилишда биринчи ёрдам бўлади.

Шунингдек, илмий-методик бўлими тайёрлаган «Қишлоқ кутубхоналари ходимлари учун 1980 йилга мўлжалланган семинар машғулотлари тематикаси» қўлланмасида «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб кутубхона ишлари» темаси ўрин олган. Бу район кутубхоналарининг В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик бўйича тадбирлар ўтказишида аниқ йўлланма беради.

Область кутубхоналари директорлари ва методик бўлимлари мудирлари билан ҳар йилда ўтказиладиган семинар машғулоти программасига В. И. Ленининг назарий меросини пропаганда қилиш ва шу бўйича тажриба алмашиш масалалари киритилган.

Маълумки, шу йил давомида республикамизда «Ленинча яшаш, ишлаш ва ўқиш» Бутуниттифоқ ёш китобхонлар конференцияси бўлиб ўтади. Ана шу конференцияда методистлар билан биргаликда ўсмирлар бўлимлари ўз янги мавзулари билан қатнашадилар ҳамда конференция ишига давомий якун ясайдилар.

Умуман олганда Навоий кутубхонаси ходимларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган тадбирларининг жами доҳий Ленин юбилейини муносиб кутиб олаётганликларидан далолат беради.

А. МАҲСУМОВА.



Собир Раҳимов районидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатида 3200 дан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Юқоридаги суратда комбинатнинг савдо ходимлари тайёрловчи группаси мастери Ҳ. Яҳёева шогирди М. Зокирова билан бирга. Пастдаги суратда эса токарлик группасининг талабаси З. Аҳмедов устози Н. Несмеяновдан таълим олмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.



• *Меҳнатда камол топган*

ИШЧИ НОМИНИ УЛУҒЛАБ

Шаҳримиздаги бош кийимлар фабрикасининг 1-филиали. Бу даргоҳ Муҳаррам Ризаева учун мўътабар жой. Бу ердаги ҳамма нарса — корхонанинг кўк эшикли дарвозасидан тортиб цехдаги дастгоҳларгача Муҳаррам опага қадрли, қимматли. Йигирма бир йилдирки, опа шу эшикдан кириб-чиқади, шу ерда ҳалол тер тўкиб, обрў-эътибор топяпти.

Ҳа, Муҳаррам опа фидокорона меҳнати туфайли ҳурмат қозониб келаётган аёллардан.

1958 йил Муҳаррам опа ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Шу йили у Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Бундан руҳланган Муҳаррам опа янада шижоат билан меҳнат қилди. Ҳамкасблари унга катта ишонч билдиришиб, 1960 йилда Собир Раҳимов район Советига депутат қилиб сайлашди.

Опа моҳир, тажрибали чевар, шу билан бирга ғамхўр ва жонкуяр устоз ҳамдир. У одатига кўра ҳар куни иш бошланишидан олдин цехий бир бор айланиб чиқади, шогирдлари Манзура, Саодат, Фарида ва бошқаларнинг қандай ишлаётганлиги билан қизиқади. Бирор ишкал юз бердими, дарров уни бартараф этиш чорасини кўради. Ҳамкасби Ноила Оллоёрова билан ўзаро мусобақа натижаларини сарҳисоб қилади.

Моҳир тикувчи Муҳаррам Ризаева бош бўлган цех ишчилари фабрикада янгийўлликларнинг «Сафи-мизда бирорта қолоқ бўлмасин!» шиори асосида иш кўраётган пешқадам коллективдир. Цех маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилашда доимо голиблар сафида боряпти. Бунда Муҳаррам Ризаевага ўхшаш ўнлаб коммунист тикувчилар ва уларнинг сергайрат шогирдларининг хизмати катталдир.

— Мен ишчи бўлганим билан фахрланаман, — дейди гурур билан М. Ризаева. Ишчилик—олий касб. Партия ва ҳукуматимиз камтарона меҳнатимни юксак қадрлаб, Меҳнат Қизил Байрок ордени билан тақдирлади. Яхши дам олиб келишим учун Ватанимизнинг ҳушманзарали курортларига юборди. Бир неча бор Фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирландим. Булар мен учун катта бахт. Шунинг учун бундан буён ҳам ишчи номини юксак тутиб, ҳар қачонгидай ғайрат билан ишлайвераман...

Моҳир чевар, меҳрибон она, жонкуяр мураббий, актив жамоатчи Муҳаррам Ризаева шу кунларда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилиб, барчага намуна бўлмоқда.

М. ЁҚУБОВА,
хизматчи.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

22 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

• *Бригада пудратига—яшил йўл*

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси Бекобод шаҳар комитетининг шофёр Х. Абдужабборов бригада пудрати илғор тажрибасини шаҳар автотранспорт корхоналарида оммалаштириш соҳасидаги иши тўғрисидаги қарори автомобиль хўжаликларининг фаолиятида гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль хўжаликлари ишини бригада пудрати асосида ташкил этиш КПСС XXV съезди ва партиямизнинг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришимизда ҳам жуда қўл келади. Бригада пудрати амалда ўзининг нечоғлик самарали эканлигини исботлади. Бунга, Ҳабибулло Абдужабборов бошлиқ шофёрлар бригадаси беш йиллик бошидан буён Бекобод норуда материаллар заводи учун 7,4 миллион порфирит ташиб берганлигини, бу эса автомобиль корхонаси коллективи ташиб берган жами юк ҳажмининг салкам 40 процентига тенглигини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя.

Бугунги кунда ана шу самарали усулни бизнинг автомобиль корхонамизда ҳам кенг жорий этиш бўйича ишлар олиб бориляпти. Ҳозирда бригада пудрати асосида ишлаётган Турсунбой Бозорбоев бошлиқ бригада сафига янги йилдан бошлаб яна бешта коллектив қўшилди. Улар «Ташстроймаш», «Ташсельмаш» заводлари, абразив буюмлари, Тошкент тўқимачилик комбинатлари маъмуриятлари билан ўзаро шартнома тузиб, бригада пудрати асосида ишламоқдалар. Мазкур бригадалар бу йил хўжалигимиз шофёрлари ташийдиган жами юкнинг 50 процентини ташиб беришади.

Ўтган йили ана шу усул бўйича ишлаган Т. Бозорбоев бригадаси катта меҳнат самарларини қўлга киритди. Бу коллектив корхона транспортчилари ташиб берган жами юкнинг 15 проценти ҳажмида юк ташиди. Ҳозирда илғор бригада 1980 йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ўтган йилги давлат плани ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришимизда юксак унум билан ишлаган Д. Сидоров, С. Зайнутдинов, Д. Баранов, Ш. Мирвоҳидов каби шофёрларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу илғорлар ёшларнинг жонкуяр мураббийларидир. Уларнинг шогирдлари—М. Бекмуҳамедов, М. Шеварев, Я. Комолов, В. Волков, С. Болтабоев каби ёш шофёрларимиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирда корхонамизда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин беллашув кетяпти. Кўплаб шофёрлар, бригадалар бу шонли санага қадар ярим йиллик планни бажариш иштиёқида тер тўкмоқдалар. А. Бозорбоев, Р. Раҳимов бошлиқ шофёрлар бригадалари эса СССР Конституцияси кунигача беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилишган.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми биз транспортчилар зиммасига ҳам катта вазифаларни қўйди. Ўтган йили пландан ташқари 60,7 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб берган коллективимиз бу йил планга кўра жами 1 миллион 460 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериши керак. Шунингдек, социалистик мажбуриятга кўра пландан ташқари 10 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб бериладиган бўлди. Бу вазифаларни муваффақиятли уддалаш учун албатта бригада пудрати методини кенг жорий этишимиз зарур. Шундай қилинляпти ҳам.

Мана, илгари «Ташхимсельмаш» заводининг учта цехига юк ташиш учун бешта машина овора бўлар эди. Чунки уларнинг ҳар бирининг оралиғи 5,5, 7 километр эди. Биз ишни бошқача ташкил этдик. Бу ерда ҳам бригада пудрати жорий этилди. Эндиликда бу ерда битта тягач 3 та прицепни тиркаган ҳолда мазкур цехларга хизмат кўрсатади. Натижада 4 та шофёр бу участкадан бошқа участкага ўтказилади. Меҳнат унумдорлиги бир неча баравар ўсади.

Бригада пудратини бизнинг коллективимиз хизмат кўрсатадиган бошқа корхоналарда ҳам жорий этиш борасида ишлар олиб бориляпти. Биз аминмизки, фаолиятимизда бригада пудрати асосида ишлайдиган коллективлар сонининг кўпайиши албатта зиммамизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддалашимизнинг гарови бўлади.

Ж. УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестининг 103-автомобиль корхонаси директори.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ЗИЁДОВ: Агар меҳнат баҳси бўйича комиссия, касаба союз комитети ва ўртоқлик суди шофёрнинг қонунсиз суратда бошқа ишга ўтказилганлигини тан олса, бундай ҳолда шофёрнинг аввалги иш ҳақи сақланадими ёки йўқми?

Жавоб: Агар шофёрнинг қонунсиз суратда бошқа ишга ўтказилганлиги маълум бўлса, у аввалги ишига қўйилади.

Агар шофёр янги ишга ҳали киришмай юрган ва вақтни ўтказган бўлса, маъмурият ана шу мажбурий равишда прогул қилган шофёрга 20 иш куни миқдорида ҳақ тўлайди. Бордию шофёр иш ҳақи камроқ бўлган вазифага тайинланган бўлса, бундай ҳолда ўзининг аввалги иш ҳақи билан кейинги иш ҳақи ўртасидаги фарқни ҳам маъмурият тўлайди. Бунда кейинги уч ой муддатгина ҳисобга олинади.

∴ ∴ ∴

С. МАҲМУДОВ: Нормаланмаган иш куни жорий этилган корхона ёки ташкилотларда ёшлар учун иш соатлари қандай белгиланади?

Жавоб: Нормаланмаган иш куни жорий этилган корхона, муассаса ва ташкилотларда асосан ишлаб чиқариш заруриятн юзасидан кунининг исталган пайтида ходимлари (масалан, ремонтчилар, электрчиларни ва бошқаларни) уйидан ишга чақириш кўзда тутилган. Бундай ходимлар рўйхатини маъмурият касаба союз комитети билан келишган ҳолда тузиши керак. Ёшлар учун иш соатларининг умумий ҳажми ҳафтада 41 соатдан ошмаслиги шарт.

∴ ∴ ∴

Б. НУРАЛИЕВА: Балогатга етмаган ёшларнинг жамоатчи тарбиячилари учун қўшимча отпуска берилади, деб эшитдим. Шу тўғримн?

Жавоб: Ҳа, тўғри. Ўзининг асосий ишидан ташқари давлат ёки жамоатчилик бурчларини ҳалол ада этаётган, балогатга етмаган ёшларнинг жамоатчи тарбиячиларига асосий меҳнат отпускасидан ташқари уч кунгача қўшимча отпуска берилади. Бу қоида жамоат тартибини сақлаш кўнгилли халқ дружинаси аъзоларига ҳам тўла тааллуқлидир. Аммо, кўнгилли ўт ўчириш аъзоларига эса асосий меҳнат отпускасига қўшимча тарзда олти кунгача отпуска бериш кўзда тутилган.

∴ ∴ ∴

К. САИДАЗИМОВ: Пойтахтимиздаги Туркистон Ҳарбий округи Офицерлари уйи (ОДО) биноси ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Қайтадан реконструкция қилинган бу бино XIX асрнинг 80-йилларида йиғилишлар ўтказиш учун қурилган. Бу уйнинг залларида дастлаб саҳна асарлари кўрсатилиб, шахмат мусобақалари ўтказилган. Машҳур рус сайёҳи ва ўрта Осиёни текширган Н. М. Пржевальский бу ерда кўпгина лекциялар ўқиган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бу бинода М. Ф. Фрунзе билан В. В. Куйбишев бир неча бор нутқ сўзлаганлар.

1920 йил 21 январь куни бу ерда Туркистон комсомолининг биринчи съезди очилган.

∴ ∴ ∴

Л. ЭШМАТОВ: Капитал қурилишда буюртмачининг ҳуқуқлари тўғрисида маълумот берсангиз.

Жавоб: Буюртмачи бажарилаётган ишларнинг ҳажми, қиймати ва сифати лойиҳалар ҳамда сметаларга мувофиқ бўлиши устидан назорат ва техникавий контролни амалга оширади. У истаган вақтида қурилиш ва монтаж ишларининг боришини ва сифатини пудратчининг оператив хўжалик фаолиятига аралашмасдан текширишга ҳақли. Ишни бажаришда ёки ҳш учун фойдаланилган материалларда пудратчининг (ёки ёрдамчи пудратчининг) айби билан бўлган камчиликлар пудратчининг ўзи томонидан ва унинг ҳисобидан йўқотилиши лозим.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин ва Фрунзе районлари мусобақаси

ШОНЛИ САНАНИ ҚАРШИ ОЛИБ

Икки район заводлари, фабрикалари, бирлашмаларининг 1980 йилнинг январь ойидаги асосий ишлаб чиқариш фаолиятларн кўрсаткичлари қуйидагича:

Ленин район саноати корхоналари коллективлари шу йилнинг январь ойида маҳсулот реализация қилиш планини 101,4 процентга, Фрунзе райони эса 100,9 процентга адо этдилар, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш нисбатан 106,6 ва 100 процентни; умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати эса 111,6 ва 104,3 процентни ташкил этди.

Ленин райони корхоналари меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,9 процентга, Фрунзе райони 99,8 процентга бажарди; меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 ва 102,1 процентни ташкил этди.

Ленин райони саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришди, Фрунзе районида эса бу кўрсаткич 51,2 процентни ташкил этди.

Ленин районида битта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш топшириғини бажара олмаган бўлса, Фрунзе районидаги иккита корхона ҳам бундай вазифани уддала олмади. Ленин ва Фрунзе районларида ўнтадан корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажара олмади.

Шу йилнинг январь ойида Ленин райони саноати 101,1 процент, Фрунзе райони 101,3 процент миқдорида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Шу билан бирга маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районларда 90 ва 118,5 процентни ташкил этди.

Ленин районида 6 та цех, 37 та участка ва бригада, 300 ишчи, Фрунзе районида 10 та цех, 53 та участка ва бригада, 190 ишчи ойлик планни уддасидан чиқолмади.

Ленин районида қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбалар — 1979 йилнинг январь— декабрь ойларида) 104 процентга, Фрунзе районида эса 88 процентга уддаланди. Районларнинг қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича 1979 йил планини 100 процентга адо этдилар.

«Зарбдор меҳнатимиз, ижодий изланишимиз— Ленин юбилейига!» — ана шу шиор остида мусобақадош районларда меҳнат беллашуви кенг қулоч ёймоқда.

Жумладан, Ленин районида шу йилнинг 22 апрелига қадар 14 та цех, 46 та участка, 83 та бригада, 7 минг ишчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик ишлаб чиқариш программасини адо этишга аҳд қилди. Шунингдек, бу шонли санага қадар яна битта муҳим марра қўлга киритилади: район саноати умумхалқ байрами арафасида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича беш йиллик планни бажаради.

Фрунзе район коллективлари ҳам Ленин юбилейига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Масалан, 1-пойафзал фабрикаси пойафзалчилари 22 апрелга қадар топшириққа қўшимча 3 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқаради. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу буюмларнинг 20 минг жуфти тежаб қолинган материаллар ҳисобига тайёрланади, апрель ойида давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарадиган буюмлар миқдори умумий маҳсулотнинг 16,5 процентига етказилади.

«Ленин юбилейига қадар тўрт ойлик план бажарилади ва топшириққа қўшимча 1500 квадрат метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқарилади»,— қурилиш саноати материаллари комбинати меҳнатчиларининг мажбурияти ана шундайдир. Пардозлаш трестининг 28-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари, 2-автомобиль корхонаси маршрутли такси ҳайдовчилари, республика гўшт ва сут саноати министрлигининг автобазаси шоферлари ва бошқалар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилдилар.

Мусобақадош икки район индустриясининг 1980 йилнинг биринчи ойи иш якуни ишлаб чиқариш коллективларининг шу кунларда юксак кўтаринки руҳ билан тер тўкаётганликларида ва далолат бериб турибди. Барча корхоналар муҳим турдаги буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Бу эса январь ойи мажбурияти ҳисобига Ленин район ни бўйича топшириққа қўшимча 425 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Электрон-техника, электротехника, «Ташхимсельмаш», химия-фармацевтика заводлари, каноп фабрикаси (Ленин райони), абразив, қурилиш саноати комбинатлари, пардозлаш трести, қурилиш материаллари экспериментал заводи, фурнитура-пластмасса буюмлари заводи (Фрунзе райони) ва бошқа корхоналар социалистик мажбуриятларининг муҳим бандларидан бири— пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш топшириғини шараф билан бажардилар.

Ишлаб чиқариш қувватларидан, машина-станок паркидан оқилона фойдаланиш, меҳнатни аниқ ташкил этиш туфайли мусобақадош районлардаги кўпгина корхоналар, жумладан «Гордорстройремонт»нинг асфальт-бетон, «Ташхимсельмаш», химия-фармацевтика заводлари, «Қизил тонг» бирлашмаси ва бошқа корхоналар (Ленин райони) ўтган йилнинг январь ойига нисбатан маҳсулот реализация қилиш ҳажмини ўн ва ундан юқори процентга кўпайтирдилар. Фрунзе районининг бир қатор корхоналари, шу жумладан «Ташгекстильмаш», қурилиш материаллари заводлари ва бошқа корхоналарда товар маҳсулот ишлаб чиқариш планда белгиланганидан оширибе бажарилди.

Меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифаларидан бири— меҳнат унумдорлигини янада кўтариш учун курашни қизитиш: технологик жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаштириш суръатларини тезлаштириш, илғор иш усулларини кенг жорий этиш, асбоб-ускуналар ва машиналардан унумли фойдаланиш, уларнинг бекўша туриб қолиш ҳолларини қисқартириш асосида янада самарадорликка эришишдир. Бироқ, бир қатор корхоналарда: трамвай-троллейбус бошқармасининг вагон ремонти заводида, тўқимачилик, абразив комбинатларида ўтган йилнинг январь ойига нисбатан меҳнат унумдорлигини ўстириш даражаси пайсайиб кетди.

Мусобақадош районларда январь ойида маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча ўн минг сўмликка қисқартириб юборган корхоналар ҳам оз эмас. Тепловоз ремонти, «Узбеккинодеталь», 1-автомобиль ремонти заводлари, «Промстройкомплект» бирлашмасида, тепловоз ремонти заводида, каноп фабрикасида, (Ленин райони), тўқимачилик комбинатида, «Промстройкомплект» бирлашмасида (Фрунзе райони) ойлик топшириқни бажара олмаган цехлар, участкалар ва бригадалар бор.

Коллективлар асосий диққатни маҳсулот сифатини бошқариш системасини такомиллаштириш га, технологияни яхшилашга қаратмоғлари лозим. Шу куннинг талаби— маҳсулот сифатини аъло даражада бўлишини таъминлаш учун, фабрика ва завод шарафини оқлаш учун мусобақани янада ривожлантириш зарур.

Масалан, йил охирида савдо улгуржи базасига тушган «Қизил тонг» бирлашмасининг 11,865 та буюмидан 1,6 мингтаси қайта назоратга берилди. Хўш, бу нимани билдиради? 265 та буюм (бу 16,2 процент)да жиддий нуқсон борлиги топилди. Натижада уларнинг сорти паст сортга туширилди, бир қисм буюмлар эса қайта ишлаш учун жўнатилди.

Иқтисод ва тежамкорлик— социалистик хўжалюкнинг асосий кўринишларидан биридир. Моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш жуда муҳимдир. Айрим жойларда иқтисод ва тежамкорлик борасида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга кўпгина жойларда ҳали тежамкорликка яхши эътибор берилмаётир. Чунончи, Ленин район корхоналари фақат ўтган йилнинг ўзида маҳсулот таннархини 1 миллион 44 минг сўмликка, Фрунзе райони эса 5 миллион 407 минг сўмликка қимматлаштириб юборди.

Ишнинг тўғри йўлга қўйилиши — барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни бажаришни, кам маблағ сарфлаб, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ишига ҳар бир меҳнат коллективидан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни талаб этади.

▲ МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Узбекистон Езувчилар Союзининг Совет адабиётини пропаганда қилиш бюроси шу кунларда китобхонлар билан учрашувлар, қизиқарли кечалар уюштирмоқда. Бундай учрашувлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллигига бағишлаб ўтказиляпти. Фрунзе номли маданият уйида, тўқимачилар маданият саройида, бир қатор мактабларда ва корхоналарда бўлиб ўтган учрашувлар бунга мисол бўла олади. Ижодкорлардан В. Качаев, А. Иванов, Сайёр, Қудаус Муҳаммадий ва бошқалар ўзларининг янги шеърларидан ўқидилар, ўқувчиларни қизиктирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида чеварлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Тихомолов ва шоир Сайёр билан учрашдилар. Қизғин ижодий суҳбат ва марокли савол-жавоблар билан ўтган бу учрашув кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Яқин кунларда Тошкент чинни заводида ва бошқа ўнлаб корхона ва муассасаларда ҳам таниқли шоир ҳамда ёзувчилар билан ана шундай кечалар ўтказиш мўлжалланяпти.

* * *

Санъатнинг сеҳрли олами

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ КЎРИГИ

Республика «Ёш гвардия» театрида янги спектаклнинг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Бу спектакль Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» пьесаси асосида саҳналаштирилди. Ёшларнинг орзу-интилишлари, муҳаббати, ўз бахти учун кураши ҳақида ҳикоя қилувчи бу спектакль томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Спектаклдаги асосий ролларни артистлардан М. Ражабов, М. Иброҳимова, Д. Бобохонова, Ҳ. Арслонов ва бошқалар ижро этишган. Пьесани театрнинг бош режиссёри, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳтиёр Ихтиёров саҳналаштирди. Саҳна безакларини рассом А. Батиков ишлаган.

М. НЕЪМАТОВА.



Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг репертуари янгидан-янги саҳна асарлари билан бойиб бормоқда. Театр коллективининг «Қалдирғоч», «Уч мушкетёрлар» асарларини томошабинлар самимий кутиб олишди.

СУРАТЛАРДА: «Уч мушкетёрлар» спектаклидан саҳналар.

М. Нурмаднов фотолари.

БУЮҚ САНАГА БАҒИШЛАНАДИ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб, «Энг улуғ ва энг оддий инсон» деган мавзуда кеча ўтказилди.

Студентлар ҳузурига меҳмон бўлиб келган ўқитувчилар ва олимлар В. И. Ленининг революцион марксистик партия тузиш учун олиб борган кураши тўғрисида, Владимир Ильич янги ҳаёт учун курашга отланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳақида ғамхўрлик қилганлигини гапириб бердилар.

Институт партия комитети Ленин юбилейига тайёргарлик кўришга ғоят катта эътибор бермоқда. Кундузги ва кечки бўлимлар группаларида иш олиб бораётган агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар Ленин гояларининг тантанаси тўғрисида суҳбатлар ўтказишяпти. Шонли санага бағишланиб, ўқитувчилар ва студентларнинг илмий-назарий конференциясига тайёргарлик кўриляпти. Студентларнинг «Эрудит» ижтимоий-сиёсий клуби партия ветеранлари билан биргаликда махсус кечага тайёргарлик кўряпти. Институт кутубхонаси Ильичга бағишланган адабиётлар кўргазмалари, фотомонтажлар ва расмли стендлар ташкил этди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙИНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЧССРнинг атом энергетикаси

ПРАГА. Бу йил Чехослова к и я д а г и атом электростанциялари 3 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ҳосил қилади.

Словакиянинг Ясловске-Богунице шаҳри мамлакат атом энергетикасининг маркази бўлиб қолди. Бу ерда атом электростанциясининг биринчи блоки бир йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турибди. Яқин ойлар ичида эса, унинг иккинчи навбати ишга туширилади. Бу станциянинг умумий қуввати 880 минг киловаттдан иборат бўлади. Унинг ёнида худди шундай қувватли яна битта атом электростанцияси қурилмоқда. Станция 80-йилларнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади.

Дукована деган жойда атом электростанциясининг биринчи ишлаб чиқариш корпуси қад кўтара бошлади. Бу станцияда ҳар бири 440 киловатт қувватга эга бўлган тўртта энергоблок бўлади.

Тараққиётнинг муҳим омили

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантирмоқда. Томонларнинг тенг ҳисса билан иштирок этиши принципи асосида геология-разведка ишларининг биргаликда ўтказилиши, тог-кон тармоқларида саноат объектларини қуриш ва фойдаланиш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг тегишли министрликлари ва идоралари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши мамлакатнинг табиий ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия, МХР билан кўплаб мутахассислар ва илмий-техника ахборотини айрибошлаб, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Халқ Монголиясининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиши республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантиришга, халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг устунликларидан фойдаланиш асосида халқ хўжалиги комплексини яратишга имкон беради. Бу ҳамкорлик мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

ИРРИГАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ

ДЕҲЛИ. Шимолий Ҳиндистондаги Жамма ва Кашмир штатининг ҳукумати суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш уч йиллик программасини бажаришга киришди. Шу планга мувофиқ 1983 йилнинг охирларида бу штатда қўшимча равишда етмиш минг гектар ер суғорилади. Давлат шу мақсадлар учун 700 миллион рупия ажратди.

Жамма ва Кашмир қишлоқ районларини ирригациялаш Ҳиндистонда ирригацияни ривожлантириш умуммиллий планининг таркибий қисмидир. 1979 — 1980 молия йилида мамлакатда яна қарийб 2,5 миллион гектар қурғоқчил ерлар суғорилди.

Ирригация ишлари икки йўл билан олиб борилмоқда: биринчидан катта каналлар ва сув омборлари қурилмоқда ва иккинчидан «кичик ирригация объектлари» деб аталган ариқлар, қўшимча каналлар, артезиан қудуқлари ва оддий қудуқлар қурилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда 53 миллион гектар ерни суғораётган 500 дан зиёд катта ва ўртача ирригация объектлари бор.

Ражастхон каналининг юзинчи навбатини қуриш бошланди. Бу канал Тар чўлидаги 2 миллион гектар ерга сув чиқаради. Уттар-Прадеш, Керала, Гужарот ва Бихар штатларида катта-катта каналлар қурилмоқда.

Айни вақтда энг катта дарё ҳавзаларида соҳилларни мустаҳкамлаш, дарё ўзанларини тозалаш, тупроқни зичлаш ва кўчатлар ўтказиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ҳиндистон ҳукуматининг амалга ошираётган тадбирлари мамлакатда экин майдонларини анча кенгайтиришга имкон беради. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга олиб боради, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга ёрдам беради. 1978 — 1983 йилларда Ҳиндистон экономикасини ривожлантириш олтинчи беш йиллик планида суғориладиган ерларни ўн етти миллион гектарга кенгайтириш назарда тутилган.

«СССР—дўстлар мамлакати»

ВАРШАВА. Польшанинг Торунь шаҳрида «СССР — туризм мамлакати, дўстлар мамлакати» мавзуида кўргазма очилди. Совет Иттифоқдош республикаларининг пойтахтларини уларнинг архитектурасини, тарихий ёдгорликларини, халқ санъатини кўрсатувчи фотосуратлар экспозициясига қўйилган. Кўргазма бўлимларидан бири Совет Иттифоқининг шаҳарларида ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Кадрлар етишмаяпти

МОНРОВИЯ. Либерия планлаштириш ва экономика министрлигининг бу ерда эълон қилинган йиллик докладида қуйидагилар айтилади: юқори малакали ишчи кучининг етишмаслиги — Либерия миллий ривожланиш программасини амалга оширишнинг асосий тўсиқларидан биридир. Мамлакатда малакали миллий кадрлар тайёрлашни жадал ташкил этиш вужудга келган аҳволни бартараф этиш имконини беради. Бу эса, республика учун жуда муҳим проблема бўлган ишсизликни тугатишга ҳам кўмаклашади.

Либерия ёшлар федерацияси ҳукуматга мурожаат қилиб, ҳунар-техника билим юртларни тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга даъват этди. Федерация ўрта мактабни тамомлаб, ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлмаётган ёшлар сони кўпайиб кетаётганлиги муносабати билан ташвишланаётганлигини билдирди.

Таниқли арбоб хотираси

БОГОТА. Колумбияда бахоси 12 песо турадиган янги почта маркаси муомалага чиқарилди. Бу марка 1810—1826 йилларда Америкадаги Испания мустамлакалари нинг мустақиллиги учун олиб борилган урушнинг таниқли раҳбари, Симон Боливарнинг энг яқин сафдоши генерал Антонио Хосе Сукре хотирасига бағишланган. Антонио Хосе Сукре ҳалок бўлган кунга бу йил 150 йил тўлади.



ПОЛЬША. Гданьсклик кўпчиликка маълум ушбу беш эгизак — Ева, Агнешка, Петр, Роман ва Адам Рихертлар саккиз ёшдан ошдилар. Ҳозир улар иккинчи синфда ўқишяпти.

Муҳбир уларни уйда мактабдан қайтган пайтларида суратга олган.

ЦАФ— ТАСС фотоси.

Одам нимадан пайдо бўлган?

(ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ)

Ойисининг тоқатн тоқ бўлди шекилли, овқатга сув солди-да, Бахтиёрни етаклаб ич каринга олиб кирди. Дадаси, одатдагидек столда ишлаб ўтирган экан.

— Нима гап?— деди бош кўтармай.

— Бунингизни қаранг, қаёқдаги нарсаларни сўраб одамнинг бошини қотиради.— Ойиси негадир яна қизарди.— Одам нимадан пайдо бўлганини билмоқчи эмиш.

— Шуни ўзинг айтиб қўя қолсанг бўлмайдими!— дадаси кўзойнагини стол устига ташлади.— Одам нимадан пайдо бўларди, қотоздан пайдо бўлган-да!

— Қуриб кетманг! — Ойиси ғалати илжайди. — Қаёқдаги гапларни гапирасиз.

— Елғонми!— Дадаси Бахтиёрга эмас ойисига қараб гапирди.— Мана, масалан, сен билан мен Бахтиёрнинг туғилишини жудаям хоҳласагу шунга яраша қоғозимиз бўлмаса, Бахтиёрнинг туғилганига ҳеч ким ишонмайди. Бундан чиқди одамнинг туғилиши учун ҳам қоғоз керак.

— Қўйинг!— кўл силтади ойиси.— Ёш боланинг олдида...

Дадаси ғалати қилиб илжайди.

— Менинг бир ўртоғим бор эди. Мактабда ҳам, институтда ҳам бирга ўқиганмиз. Ғирт пўстак эди. Ҳамма дарсни мендан кўчирар эди. Айниқса физикани оғзига чайнаб солсанг ҳам ютолмасди. Тунов куни кўриб қолдик. Физикадан аспирант бўпти. «Сендан минг марта илмлиман», дейди. Йўқ десам ҳеч ким ишонмайди. Нега деганда унинг қоғози бор.

Бахтиёр барибир ҳеч балога тушунмади. Дадаси қандай мисол келтирса бўлишини ўйлаб қолди шекилли, пешанаси тиришди.

— Менга қара!— деди бирдан Бахтиёрга юзланиб.— Ўтган ҳафта боғча опанг сени боғчага қўймаймиз, деди эсингдами?

— Ҳа,— деди Бахтиёр тасдиқлаб.— Боғча опам ойимларни йиғлатдилар.

— Боғча опанг ойингни нега йиғлатганини биласанми?

Бахтиёр шунисини билмас эди.

— Нега деганда сенинг қоғозинг йўқ эди.— Сен касал бўлдинг. Боғча опанг буни билар эди. Аммо касал бўлганинг тўғрисида қоғозинг йўқлиги учун сени боғчага қўймади. Ойинг йиғлади. Кўрдингми, боғча опанг ўзига эмас, қоғозга ишонади.

— Болани ҳам жинни қиласиз!— Ойиси Бахтиёрни етаклаганча чимирилиб нариги уйга кириб кетди.

Эртасига боғчада кечаги баҳснинг давоми бўлди.

— Хўш, болалар, одам нимадан тарқалган экан?— деб сўради боғча опаси.

— Мен биламан!— Бахтиёр биринчи бўлиб ўртага чиқди.— Одам қоғоздан тарқалган.

Боғча опа чиройли киприкларини пирпиратди.

— Вой, ким айтди?

— Дадам айтдилар!

— Ростданми! — Боғча опа яна киприкларини пирпиратди.— Даданг шунақа деган бўлсалар, бориб айт: шу гапларини тасдиқлайдиган қоғоз олиб, сендан бериб юборсинлар. Хўпми?

Ў. ҲОШИМОВ.

Ҳамтахарларимиз хизматида

Ўз касбининг усталари

Ҳозирги замон кишисининг маиший турмуш шароитига турли-туман техник приборлар тобора кўпроқ кириб бормоқда. Ҳозир бирор бир хонадонни кир ювадиган ёки тикув машинасисиз, холодильниксиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу техника воситалари уй бекасининг энг яқин кўмакчисига айланган. Лекин техника воситалари бузилиб қолса уни ўз вақтида, тезлик билан тузатиш ҳам керак. Шахримиздаги «Техсложбытприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси усталари ана шундай юмушлар билан шуғулланишади.

Рўзғор машиналарини тузаттирмоқчи бўлсангиз ва бу хусусда буюртма бермоқчи бўлсангиз 77-05-79, 91-05-32 рақамли телефон бўйича марказий диспетчерлик хизматига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари бирлашманинг шахримизнинг турли жойларида филиаллари ишлаб турибди. Ана шундай филиаллардан бири 1-Қўйлиқ массивидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида жойлашган. Иккинчи филиали эса М. Горький проспектида жойлашган. «Марказ-26» квартирасида истиқомат қилувчиларга тўртинчи филиал хизмат кўрсатмоқда. У шу кварталдаги 89-уйда жойлашган. 2-Қорақамиш массивининг 1-микрорайонида яшовчиларга эса уй-рўзғор техникасини ремонтдан чиқарадиган 8-устахона хизмат кўрсатяпти.

Уй-рузғор ташвишида

ИШЛАЙДИГАН ХОНА ҚАНДАЙ ЁРИТИЛИШИ КЕРАК?

Ишлайдиган хонани ёки хонадаги иш жойини ёритишни ёзув столи ёхуд чизмачилик тахтасини ёритишдан бошлаш керак. Чизмачилик ишлари учун ричагли ёки эгилувчан шлангли лампа жуда қулай. Бундай лампа чизманинг хоҳлаган жойини ёритишга имкон беради.

Ёзув столи осма лампа билан ҳам ёритилади. Бу лампанинг ёруғлиқни тўппа-тўғри йўналтирадиган металл абажури бўлиши мумкин. Бу хил осма лампани шипдан пастроққа туширса ёки кронштейн ёрдамида деворга маҳкамлаб қўйса бўлади.

Ишлайдиган жойда тўқ ранглар камроқ бўлсин. Китоб тўла токчаларнинг ўзи ҳам хонани маълум даражада қоронғулатади, шунинг учун тўқ ранг мебеллар билан бу таассуротни кучайтиришнинг ҳожати йўқ.

Иш жойига ҳаммадан кўпроқ ёруғлик тушиб туриши керак. Шу сабабли ҳозирги вақтда ёзув столлари, китоб шкафлари ҳамда токчаларнинг кўли равшан рангли қилиб тайёрланмоқда.

Иш жойига битта чироқ кифоя қилмайди. Агар ёзув столининг ўзигина ёритилса, бунинг устига, чироқнинг абажури ёруғликни ўтказмайдиган ёки кам ўтказадиган материалдан бўлса, хонанинг қолган қисми зимзиё қолаверади. Шунинг учун ҳам хонада қўшимча чироқ бўлиши керак. Масалан, китоб токчаларини симметрик ўрнатилган кичикроқ осма чироқлар билан ёритиш мумкин. Бу ҳам қулай, ҳам чиройлидир.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

22 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

физкультура ва СПОРТ

Анъанавий халқаро турнир

26 февралда Тошкент шаҳридаги ва пойтахт областидаги стадионларда футбол бўйича анъанавий X ўсмирлар халқаро турнирига старт берилади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов бошчилигидаги турнир ташкилий комитети сўнгги ишларни ниҳоясига етказмоқда. Ҳамма нарса меҳмонларни кутиб олишга тахт қилиб қўйилди. Ёш футболчилар шаҳримиздаги энг яхши меҳмонхоналарда яшашади. Уларнинг машқ ва беллашувларни ўтказишлари учун шаҳримиздаги ва пойтахт областидаги энг яхши стадионлар ҳозирлаб қўйилди. Ҳар бир командага корхона ва муассаса комсомол ташкилотлари оталиқ қилади. Турнирнинг маданий программаси ҳам ишлаб чиқилган. Пойтахтимиз меҳмонлари, театр, музейларни бориб кўришади, шунингдек, шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари билан танишадилар.

Энди турнирнинг спорт программасига тўхталайлик. Командалар икки подгруппага бўлинган. Биринчи группага СССР— 1, Болгария, Венгрия, ГДР ва РСФСР командалари киритилган. Иккинчи группада эса СССР— 2, Польша, Финляндия, Чехословакия ва Ўзбекистон командалари беллашадилар.

Турнир қуйидаги тартибда ўтказилади. Командалар биринчи босқичда ўз группаларидаги командалар билан учрашадилар. Уз группаларида биринчи ўринни олган командалар турнир ғолиби номини олиш учун финал учрашувида куч синашишади. Уз группаларида иккинчи ўринни эгаллаган командалар эса учинчи ва тўртинчи ўринлар учун ўзаро баҳслашишади. Қолган учрашувлар ҳам ана шундай тартибда ўтказилади.

Учрашув вақти 80 минутдан, яъни ҳар бир бўлим 40 минутдан иборат бўлади. Ҳар бир учрашувдан кейин у қандай натижа билан тугашидан қатъи назар дарвозаларга 11 метрли белгидан жарима тўплари тепилади.

Турнир жадвали қуйидаги тартибда белгиланади:

26 февраль: СССР—1, — ГДР («Пахтакор» Марказий стадиони), Венгрия — Болгария «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номидаги совхоз стадиони), Финляндия — Польша («Старт» стадиони), Чехословакия— Ўзбекистон (Қибрай посёлкасидаги спорт комплекси).

27 февраль: СССР—I — Венгрия («Қибрай»), РСФСР — ГДР (Старт), СССР—II — Финляндия («Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхоз стадиони), Польша — Чехословакия («Текстильшчик» стадиони).

29 февраль: СССР— I — Болгария («Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номидаги совхоз стадиони), Венгрия— РСФСР («Текстильшчик» стадиони), СССР— II — Польша («Старт»), Финляндия— Ўзбекистон («Қибрай»).

1 март Венгрия —ГДР («Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхоз стадиони), Болгария — РСФСР («Текстильшчик» стадиони), СССР — II — Ўзбекистон («Қибрай» стадиони), Чехословакия — Финляндия («Старт» стадиони).

3 март: СССР I— РСФСР («Қибрай»), ГДР— Болгария («Текстильшчик»), СССР—II—Чехословакия «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхоз стадиони), Польша — Ўзбекистон («Старт» стадиони).

5 март: «Текстильшчик» стадионида 9— 10-ўринлар учун, «Старт» стадионида 7 — 8-ўринлар учун, «Қибрай» стадионида 5—6-ўринлар учун, Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхоз стадионида 3—4-ўринлар учун, «Пахтакор» Марказий стадионида 1— 2-ўринлар учун учаршувлар бўлади.

Учрашувлар 26 февраль ва 5 мартда соат 11 да, 27— 29 февраль ва 1— 3 март кунлари соат 16 да бошланади. «Пахтакор» Марказий стадионида 26 февралда бўладиган учаршув 16.00 да, 5 марта бўладиган учрашув 15.00 да бошланади. Финал учрашувлари ниҳоясига етганидан кейин ғолибларни совриплар билан тақдирлаш ва турнирнинг тантанали ёпилиш маросими бўлади.

Турнирга марҳамат қилинг.

Спортчиларимиз сафарда

Волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган энг кучли олти аёллар командаси мамлакат биринчилиги медалларини учун бўлган баҳсларни ниҳоясига етказишди. Аввал хабар қилганимиздек чемпион номини муддатидан олдин Свердловскнинг «Уралочка» командаси қизлари қўлга киритишди. Иккинчи ўринни Ленинград шаҳридаги трамвай-троллейбус бошқармасининг командаси эгаллади. Марказий Армия спорт клубининг волейболчи қизлари эса бронза медали билан тақдирландилар. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси умумий якунда бешинчи ўринни эгаллашди. Тошкентлик қизлар сўнгги учрашувда МАСК командаси қизларини 3:0 ҳисобида енгишди.

* * *

Клапейда шаҳрида камондан отиш бўйича қишки чемпионат баҳслари давом этмоқда. Биринчи бўлиб баҳсларни эркаклар бошлашди. Динамочи А. Ешеев биринчи босқич беллашувидаёқ, Бутуниттифоқ натижасини бирданига 40 очкога яхшилашга муваффақ бўлди.

Аёллар ўртасидаги беллашув ниҳоятда кескин вазиятда давом этмоқда. Дастлабки машқларни яхши бажаролмаган ССР халқларининг VII ёзги Спартакиадаси чемпиони тошкентлик Н. Бутузова ҳам пешқадамлик учун давогарлик қилмоқда. У ҳозир иккинчи ўринда боряпти. Тбилисилик К. Лосаберидзе эса пешқадамлик қилмоқда.



СУРАТДА: Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг бир группа раққосалари ўз бадиий маҳоратларини ошириш устида ишламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

• Ҳар тўғрида

ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

Ҳар йили Италияда 17 миллион тонна чиқинди ҳосил бўлади. «Панорама» журналининг ёзишича бу чиқиндиларни ҳозиргидек ёндириш йўли билан йўқ қилиш давом эттирилса атроф-муҳитга катта зарар етказиш мумкин. Тутунларни фильтрлаш ва тозалашнинг энг оддий системаси қўлланганда ҳам ҳавога маълум миқдорда хлор ва симоб кислотаси ажралиб чиқаркан.

Милан шаҳар ҳокимияти яқинда чиқиндиларни қайта ишловчи корхона қурилишининг лойиҳасини тасдиқлади. Ҳар куни биргина Милан шаҳрининг ўзида бир ярим минг тонна чиқинди ҳосил бўлади. Янги корхона атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам беришга қолмай, балки, чиқиндилардан кўплаб қимматбаҳо материаллар ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Бу корхонада бир кунда қайта ишланган 900 тонна чиқиндидан 300 тонна қоғоз маҳсулотлари, 45 тонна темир эритмаси, 70 тонна пластмасса, 65 тонна шиша ва 220 тонна компост олиш мумкин бўлади.

Лойиҳа авторларининг ҳисобига кўра, бундай корхонани бунёд этишга чиқиндилар ёқиладиган печга нисбатан кам маблағ сарф бўлади.

ГАРАЖ МУАММОСИ

Монмартр тепалигининг тор кўчаларида машина қўйиш учун жой топиш, Франция марказидаги бу машҳур хушманзара шаҳарни четлаб ўтувчи бирон-бир сайёҳни Парижда учратиш мумкин бўлмаганидек гап. Шунга қарамай, маҳаллий аҳоли ва улар томонидан тузилган Монмартрни муҳофаза қилиш ассоциацияси 250 машина сиғадиган олти қаватли гараж қурилишига қаршилик кўрсатмоқда. Бунинг сабаби қуйидагича. Бу ерда сўнгги вақтларда ер силжиши тез-тез содир бўляпти. Март ойида Шапп кўчасининг бир қисми беркилиб қолди. Чунки ер чўкиши натижасида Монмартрни сув билан таъминловчи канализация ишдан чиққан эди. Июль ойида эса аҳоли яшовчи бинолардан бирининг тагида 3,5 метрли чуқурлик пайдо бўлди. Натижада бу уйда истиқомат қилувчилар бошқа жойга кўчирилди.

Монмартрни муҳофаза қилиш ассоциацияси гараж қурилиши жуда қимматга— 19 миллион франкка тушиши ва баъзи тепаликлар чўққисига жойлашган эски турар-жой бинолари учун хавф туғдиришини таъкидламоқда. Бунинг устига у гараж муаммосини барибир тўла ҳал этолмайди.

Парижда чиқадиган «Орор» газетасининг маълумотига қараганда мутахассислар ҳамон бу ерда гараж қуриш фикридан воз кечишгани йўқ.

ИЧКИЛИКНИ КИМ КЎП ИЧАДИ?

Яқинда Батиканда ўтказилган руҳонийлар учрашувида ичкиликбозлик масаласи муҳокама қилинди. Унда ичкиликбозликда дин пешволари ҳам орқада қолмаётганлиги таъкидланди.

Руҳонийлар бошлиғи Макнамара ўз нутқида диндорлар ўртасида ичкиликбозликнинг кучаяётганлиги «бутун дунё масштабида хавфли проблема» бўлиб қолаётганлигини тан олди.

Макнамара бу соҳада катта мутахассис ҳисобланади. Чунки у ва унинг ҳамкасблари бир неча йилдан бери ичкиликка ружу қўйган руҳонийларга ёрдам бериш ва уларни тўғри йўлга солиш билан шуғулланиб келмоқдалар.

«Руҳонийми ёки бошқа кишими унинг кимлигидан қатъи назар ичкиликчи меъёрдан ортиқча истеъмол қилса, эртасига «бош оғриғи» қилишга мажбур. Ана шу меъёрни билмаслик натижасида баъзи кишилар ичкиликбозликка одатланиб қолишяпти», дейди Макнамара. Лекин шунга қарамасдан у ўз ҳамкасбларининг «айбини» ҳаспўшлашга ҳаракат қилди. «Руҳонийлар ҳеч қачон ичкиликбозликка бутунлай берилиб кетмайдилар. Шахсан бу фикрни олдинлари ичкиликка ружу қўйган, кейинчалик тавба-тазаррук қилиш учун диндорлар сафига қўшилаётган кишилар мисолида тасдиқлаш мумкин», — деди у сўзининг охирида.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ХИМИЯНИНГ НАФИ

Кармана конидан чиқаётган Қизилқум гили Фарғона нефть заводида қўл келди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти олимларининг тавсияларига кўра, шу табиий адсорбент аралашмаютувчи моддадан бу ерда ёғ тозалашда фойдаланиляпти. Экономистлар янги усулни жорий этишдан олинадиган йиллик самара 2 миллион сўмдан ошишини ҳисоблаб чиқдилар.

Институтда ишлаб чиқилган маҳаллий табиий хом ашё асосида юксак маркали ва декоратив цемент, гоят чидамли сир модда олиш ,минерал ўғит ишлаб чиқариш чиқити — фосфогипсдан цемент ва керамика ишлаб чиқаришда фойдаланиш методларининг халқ хўжалигига берган самараси миллион-миллион сўм билан ҳисобланмоқда. Бу ишлар республикадан ташқарида ҳам эътироф этилди, мамлакат ва Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаларининг дипломлари билан тақдирланди.

Институт коллективи бугунги кунда илмий изланишлар самарадорлиги жиҳатидан республикада етакчилик қилмоқда. Химиклар тадқиқот ишларига сарфланган ҳар бир сўмни халқ хўжалигига 5 сўм қилиб қайтармоқдалар.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 МАРТ СОАТ 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ОЗАРБАЙЖОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН
ҚАРДОШ ЎЗБЕК ВА ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚЛАРИНИНГ УЛУҒ ШОИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУҲАММАД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ФУЗУЛИЙ ИЖОДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН

МАҚОМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

филология фанлари кандидати СУЮМА ҒАНИЕВА.
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг
МАҚОМЧИЛАР АНСАМБЛИ
М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ШАРҚ МУЗИКАСИ КАФЕДРАСИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ.
Ансамблнинг бадиий раҳбари— ШАВКАТ МИРЗАЕВ.
Мусиқа раҳбари — ТЕМУР МАҲМУДОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артисти ва СССР давлат мукофотининг лауреати.
ЁҚУБ АҲМЕДОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ва XI жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати
МАЪМУРА ЭРГАШЕВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Мўътабар ИЎЛДОШЕВА, Исҳоқ ҚАТАЕВ, Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА, Ўғилой САИДОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ФИЛРУДА НИЗОМИДДИНОВА.
Солистлар: Эсон ЛУТФУЛЛАЕВ, Очилхон ОТАХОНОВ, Ўринбой ОТАЖОНОВ, Матлуба ДАДАБОЕВА, ака-ука ИСМОИЛЖОН ва ИСРОИЛЖОН ВАҲОБОВЛАР, Муножат ИЎЛЧИЕВА, Изро МАЛАКОВ, Комила АМИНОВА, Раъно РЎЗИҚУЛОВА, Дамира САҒИРОВА, Гулжавҳар АБУЗЯРОВА, Абусаид АЗИМОВ, Зайнаб МАДАМИНОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Аҳмаджон ҚУРБОНОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Мусиқа раҳбари — ТУИҒУН ОТАБОЕВ.
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба ҚАМБАРОВА олиб боради.
Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
28 ФЕВРАЛЬ, 3, 6 МАРТ СОАТ 19.00 ДА
8 МАРТ СОАТ 12.00 ВА 15.00 ДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
ИСФАНДИЁР асари.
«ОТАСИНИНГ ҚИЗИ»
(Икки пардали комедия)
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ.
Режиссёр — О. МУҲИДДИНОВ.
Рассом — А. БАТИКОВ.
Музика танловчи — Ш. ҲОШИМОВ.
БОШ РОЛЛАРДА:
Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Ширин АЗИЗОВА, Мурод РАЖАБОВ, Йўлчи ҲАКИМОВ, Гулсара ИБРОҲИМОВА, Ҳусан МУСАБОЕВ.
Билетлар сотилмоқда.
ҚОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трестининг
1-«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
кучланиш ва ёритиш электр ускуналари монтажи бўйича электромонтажчилар тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ва касбга эга бўлмаган 45 ёшгача бўлган гражданлар қабул қилинади.
Муҳтож бўлганларга ётоқхона берилади. Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 процента қўшиб берилади.
Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга курсларга киришда имтиёзлар берилади. Совет Армияси сафидаги хизмат даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Ҳоҳловчилар Тошкент шаҳридаги базали техникумининг кечки ва сиртқи бўлимларида ташкилот йўлланмаси билан конкурсдан ташқари қабул қилиниб, ўқишни давом эттиришлари мумкин.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги учта фотосурат, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, меҳнат дафтарчаси (ишлаганлар учун), паспорт, ҳарбий билет.
Курсларни тугатганларга электромонтёр-монтажчи малакаси берилади ва ишлаш учун саноат, маданий-маиший бинолар, турар жойлар ва Тошкент шаҳридаги метро қурилишига юборилади.
МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.
Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: 700007, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Черкасск кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими (1, 4, 17, 24, 71, 117-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси бекати). Телефон 66-25-92.

«МЕЖГОРСВЯЗЬСТРОЙ» трестининг
4-ҚУРИЛИШ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
АЛОҚА МОНТАЖЧИСИ-ҚАЛАЙЛОВЧИ ИХТИСОСИ БЎЙИЧА
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган, 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади.
Стипендия — 75 сўм.
Елғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.
Курсларни битирганлар алоқа монтажчилари-қалайловчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги алоқа объектларида ишлайдилар.
Меҳнат ҳақи ишбай ва ишбай-мукофотли.
МАШҒУЛОТЛАР 15 МАРТДА БОШЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10, 23, 27-троллейбуслар, 14, 48-автобусларнинг «Известия» бекати). Телефонлар: 41-36-24, 41-17-24.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/II да **Концерт**, 23/II да **Уйқудаги гўзал.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Рўйхатларда йўқ**, 23/II да **Қимат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА— 22/II да **Зеби зебона**, 23/II да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—22/II да **Можаро**, 23/II да **Беш кунлик куёв.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 24/II гача **«УРГАТИЛГАН ТИМ-СОҲЛАР; ИЛОНЛАР БИЛАН РАҚС; БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ»** ноёб номернинг хайрлашув гастролларн (19.30).

КИНО

22 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСОРАТ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЭФИР СОҚЧИЛАРИ» — **Чайка.**

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ»— **Қозоғистон.**

«ТИНЧЛИК СОЛДАТИ»— **Навоий номли.**

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — **Чайка** (18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Москва** (17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Нунус** (16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69).

«ГАПЛАШИВ ОЛАЙЛИК, АКА...» **Қозоғистон** (16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 35-25-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16.30, 17, 21.30, жавоб берувчи автомат 78-47-25), **Дружба** (16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Ҳамза номли** (16, 18.30, 20.45), **Навоий номли** (14, 17, 19.00), **Кўнча** (17, 20.30).

«САВОЛЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-68-60), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76), **Мир** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (15, 17, 19, 21.00, телефон 53-85-87).

23 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ»— **Қозоғистон.**

«ТИНЧЛИК СОЛДАТИ»— **Навоий номли.**

«ЭФИР СОҚЧИЛАРИ»— **Чайка.**

«АБЛИНГА»— **Москва.**

«ИШЧИЛАР САФИДА»— **Лисунов номли.**

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — **Чайка** (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Москва** (11.30, 14, 17, 20.00, жавоб берув. чи автомат 33-05-01), **Нунус** (11, 12.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11.30, 14, 16, 16.30, 17, 21.30, жавоб берувчи автомат 78-47-25), **Дружба** (13, 14, 16, 17, 20.00), жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Навоий номли** (11, 14, 17, 19.00) **Кўнча** (11, 14, 17, 20.30).

«САВОЛЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» **Мир** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60), **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 21.00, телефон 53-65-87), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ
ТОШКЕНТ ОЛИЙ МАКТАБИ
1980—81 ўқув йили учун
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
МАКТАБ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИ СОСТАВИДА ИШЛАШ УЧУН ОЛИЙ ЮРИДИК ВА ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.
Ўқиш муддати — 4 ой.
МАКТАБГА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ГРАЖДАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаларининг кадрлар бўлимидан справкалар олиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

22 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Эркаклар. Ихтиёрий программа. 19.05 «Дунё воқеалари». 19.20 П. И. Чайковский. «Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. Солист — РСФСР халқ артисти В. Климов. Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр—РСФСР халқ артисти Д. Китаенко. 19.55 Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

23 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 10.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.00 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 «Совет Армиясига багишланади». Совет шоирларининг шеърлари. 11.20 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 13.15 «Спортлото» тиражи. 13.30 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 18-армия ветеранлари билан учрашув. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Тириклар ва ўликлар». К. Симоновнинг шу номли романи асосида бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. «Мосфильм», 1963 й.

18.20 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 20.15 «Бугун— Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти куни». СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали С. К. Курқоткин сўзи. 20.30 Останкино концерт студиясида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунига багишланган байрам кечаси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 Останкино концерт студиясида байрам кечасининг давоми. Кеча тугагач (00.15— 00.25) — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сўз кетидан— сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.35 Телевизион миниатюралар театри. 11.15 «Ҳар кимнинг ўз қўшиғи бор». Музикали телефильм (рус.). 11.40 «У Тошкентда яшайди» (рус.). 12.10 Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. Шабданова ва Т. Бадинов концерти. 12.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программаси. 13.25 «Сенинг муқаддас бурчинг» (рус.). 14.00 «Онамларнинг мактаби». 14.30 А. Фадеев. «Ёш гвардия». Романдан боблар. 15.10 «Узимнидан бири». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.30 «Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти куни». Ҳарбий Совет аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант В. С. Родин сўзи. «Туркестанский запевала». Концерт (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Солдат мактублари». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчиларининг талабларига биноан концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Иқболим созимда». Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамбли солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Қашқадарё область чўпонларининг олдинги иш кунлари ҳақида ҳикоя. 22.15 Телевидение экранида биринчи марта. «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм. 4-фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Орзу». Фильм-концерт. 18.55 «Болалар, тоғлар, чангчилар». Болалар тоғ чанғида учиш мактаби ҳақида ҳикоя. 19.15 «Новости» информацион программаси. 19.30 «Бахтли ҳаёт». 19.55 «Ватан посбонлари». 20.35 «Ахборот» информацион программаси. 20.55 «Вола йўқолди». Телевизион бадиий фильм премьераси («Тожикителефильм»). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Гулдаста». СССР халқ артисти Ж. Муродов концерти. 23.15 Душанба кўрсатувларининг охири.

Тошкент шаҳар Октябрь райондаги 3-маданият уйи ва «Баёт» вокал-хореографик халқ ансамбли коллективлари шу ансамбль солистқаси З. Холиқовага отаси
Асрақул ХОЛИҚОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.
22 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р. 07093. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 2062. 5